**«Фарғона водийси ҳудудларидаги маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари»** мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, НамМТИ, 2017 й.

Ушбу илмий-амалий анжуманнинг материаллари бугунги кунда иқтисодиётнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланган маҳаллий хом ашёлардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари ҳамда Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди ҳудудларидадаги ўрмон экотизимини тиклаш ва ундан мамлакат ялпи ички маҳсулотини ошириш йўналишларига бағишланган мақолалар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

АНЖУМАННИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ:

О.О.Маматкаримов – физика-математика фанлари доктори, профессор, Р.М.Мурадов – техника фанлари доктори, профессор, Х.Т.Ахмедходжаев – техника фанлари доктори, профессор, А.Солиев – иқтисод фанлари доктори, профессор, Ш.Саидбоев – иқтисод фанлари доктори, профессор, М.Ғаниев – иқтисод фанлари номзоди, доцент, О.С.Казаков – иқтисод фанлари номзоди, доцент, Ғ.Мадиёров – иқтисод фанлари номзоди, доцент, Р.Б.Исмаилов – иқтисод фанлари номзоди, доцент, Л.Убайдуллаев – иқтисод фанлари номзоди, Х.Хурамова – илмий бўлим бошлиғи.

Тақризчилар:
и.ф.н., доц. Р.Исматов,
и.ф.н., доц. Р.Ахмедов

Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришларсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

Наманган мухандислик-
технология институти,2017.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

# «ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҲУДУДЛАРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## М А Т Е Р И А Л Л А Р И

**(2017 йил 27-28 апрел)**

**Наманган - 2017**

| | | |
|---|---|---|
| 112. | **СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ**<br>И.ф.д.,профессорШ.Саидбоев., катта ўқитувчи Ш.Мамажонов - НамМТИ | 239 |
| 113. | **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**<br>Исмаилов Р.Б. доцент НамМТИ, Исақов А. Р., талаба - Андижон давлат университети | 241 |
| 114. | **МЕҲНАТ ВА МУЛК УЙҒУНЛИГИ САМАРАСИ**<br>И.ф.д,профессор Ш.Саидбоев, катта ўқитувчи Ш.Мамажонов – НамМТИ | 243 |
| 115. | **ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИИ ОШИРИШДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.** Имомов Ж.О. - ТДИУ | 245 |
| 116. | **ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**<br>Йўлдошева М.Ш. тадқиқотчи - ТДИУ | 247 |
| 117. | **УЛГУРЖИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҲАЛЛИЙ БОЗОРЛАРНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ТОВАРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ.** Йўлдошев Қ.Р. катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ | 248 |
| 118. | **ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ХУДУДИЙ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.** Ибрагимова М.М. катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ | 250 |
| 119. | **MAHALLIYLASHTIRISH DASTURI ASOSIDA TAYYOR MAHSULOTLARNI ISHLAB CHIQARISH.** Prof. D.Rasulov, Talaba X.Sharifov - TDIU | 252 |
| 120. | **САНОАТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТ ҲАЖМИ ЎСИШИГА ТАЪСИРИ**<br>Рустамов Н.И. катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ | 254 |
| 121. | **МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СИМСИЗ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ.** Ражапова М.Ф. - катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ | 255 |
| 122. | **МИНТАҚАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ.** Ташмухамедова Я.А. катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ | 257 |
| 123. | **ХУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АВТОТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**<br>И.ф.д.,проф.Н.М.Махмудов, асс. Х.Ш.Рахимов - ТДИУ | 259 |




## IV– ШЎЪБА:
## ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАГИ ЎРМОН ЭКОТИЗИМИНИ ТИКЛАШ ВА УНДАН МАМЛАКАТ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ


| | | |
|---|---|---|
| 124. | **ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ЕТИШТИРИЛИШИ МУҲИМ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР**<br>Казаков О.С.Наманган мухандислик-технология институти | 262 |
| 125. | **НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**<br>А.Х.Маллабоев Наманган Давлат ўрмон хўжалиги директори | 263 |
| 126. | **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ, ТОҒ ВА ТОГОЛДИ ХУДУДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.**<br>Казаков О.С.Наманган мухандислик-технология институти | 265 |
| 127. | **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ҲОМ-АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ.** Казаков О.С.-НамМТИ | 266 |
| 128. | **ЕР СУВ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ-ЭКОЛОГИК МУАММОНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ.** И.Махкамов, Т.Махмудов - НамМТИ | 268 |
| 129. | **АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ -ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОМАШЁЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ГАРОВИ.** Б. Дедажанов и.ф.н., доц. НамМТИ | 271 |
| 130. | **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.** Б.Дедажанов и.ф.н., доц.,Р. Каримжанова катта ўқитувчи - НамМТИ | 273 |
| 131. | **ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ХОМ АШЁСИ ВА САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ**<br>М.А. Абдурахманов, С.Ш.Бахриддинов - НамМТИ | 275 |
| 132. | **ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР**<br>Казаков О. С., Мадияров Ғ., Убайдуллаев Л. - НамМТИ | 278 |
| 133. | **НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ, ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.** Давлятов А., Қозоқов С. О. талаба<br>Наманган муҳандислик технология институти | 281 |
| 134. | **ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.** | 283 |

## САНОАТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ЎСИШИГА ТАЪСИРИ

Рустамов Н.И. катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишга эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, жумладан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиши саноат тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, хусусан саноатдаги таркибий ўзгаришларни такомиллаштириш ва саноат корхоналари самарадорлигини ошириш мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади. Шу маънода, саноатдаги таркибий ўзгаришларни такомиллаштириш мамлакатда ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини барқарор ошириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мамлакатимизда белгиланган ҳаракатлар стратегиясининг муҳим устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Мамлакат Президенти таъкидлаганларидек, "Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир"[24].

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ривожланишнинг "ўзбек модели"га ва замонавий давлатчиликни ташкил этиш йўли ва стратегик тамойилларига содиқлик ва 2015-2019-йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг комплекс амалга оширилиши натижасида 2016 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсиши таъминланди. Саноат ҳажми 6,6 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,4 фоизга, хизматлар 12,5 фоизга ўсди. 2016 йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция киритилди ёки у 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан кўп бўлди. 2016-йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик 164 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019-йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, ҳамда йирик

---

[24] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: "Ўзбекистон" - 2017 й. 8-б.



корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Таркибий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири - миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришдир. Бунда асосий эътибор хом ашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиётнинг бир томонламалигини бартараф этиш, иқтисодиёт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар ишлаб чиқариш улушини оширишдан иборатдир. Зеро, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Сўнгги йилларда саноат тармоқлари таркибида саноат тармоқларининг янада майдаланиб бориши, янги-янги тармоқларнинг вужудга келиши, тармоқлар орасида интеграция жараёнларининг ривожланиши, тармоқлараро мажмуаларнинг шаклланиши, фан-техника ютуқлари билан бевосита боғлиқ тармоқларининг тезроқ ривожланиши каби бир қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда. Кейинги йилларда республика саноат тармоғида, шунингдек, мулкчилик шаклларида ҳам жуда муҳим таркибий ўзгаришлар юз берди[25].

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишнинг муҳим омили сифатида саноат тармоқлари таркибий тузишини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари орасидаги мутаносибликни ўрнатиш;
- ишлаб чиқариш тузилмасининг прогнозлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда тармоқларни ташқи иқтисодий фаолиятини барқорорлаштириш;
- саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги илмий - техник тараққиётни янада жадаллаштириш, илғор технологияларни кенг жорий этиш;
- шахсий ва ижтимоий истеъмолни ўрганиш ҳамда аҳолини юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш;
- тармоқларда хом ашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш, маҳаллий хом ашё ва ресурслардан фойдаланишга кенг эътибор қаратиш;
- иқтисодий минтақалар саноатини зарурий (меҳнат, моддий ва молиявий) ресурслар билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш ва бошқалар.

## МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СИМСИЗ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Ражапова М.Ф. - катта илмий ходим-изланувчи - ТДИУ**

Ҳозирги кунда хаётимизнинг барча жабхаларига симсиз коммуникация технологиялари кириб бормоқда, бу эса ўз навбатида жамиятнинг замонавий

---

[25] Батурина В.В. Ўзбекистон саноатининг ривожланиши: таркибий ўзгаришлар ва устувор йўналишлар. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. 97-104 б.